

# ЮХАННОНИНГ УЧИНЧИ МАКТУБИ

## Кириш

Мазкур мактуб муаллифи Исо Масихнинг шогирди Юҳаннодир. Юҳанно бу мактубини имонлилар жамоатининг етакчиси Гаюсга йўллаган.

Мазкур мактубда муаллиф имонли биродарларини бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишга ундайди. Юҳанно Гаюснинг жамоатидан олган хабарга кўра, Диотрефес исми бетавфиқ бир одам жамоат бошқарувини ўз зиммасига олиб, Юҳанно юборган муаллимларни қабул қилмаган экан. Уларга меҳмондўстлик кўрсатган биродарларни эса жамоатдан қувиб чиқарган экан. Юҳанно Диотрефеснинг бу қилмишларини қоралайди, Гаюсни эса мақтаб, сафардаги муаллимларга кўрсатган меҳмондўстлиги учун унга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Юҳаннонинг учинчи мактуби жуда қисқа бўлгани учун бобларга бўлинмаган.

## 1-БОБ

### Дуойи салом

<sup>1</sup> Чин кўнгилдан яхши кўрадиган азиз биродарим Гаюсга мен — оқсоқолдан\* салом!

<sup>2</sup> Азиз дўстим, ҳамма ишларингга Худодан ривож тилайман. Тананг, руҳинг сингари, соғ-саломат бўлсин.

### Гаюснинг мақтовга лойиқ меҳмондўстлиги

<sup>3</sup> Ҳар сафар биродарларимиз келиб, сенинг ҳақиқатга содиқ қолганингни ва ҳақиқат бўйича яшаётганингни айтишганда, мен ғоят хурсанд бўламан. <sup>4</sup> Мен учун фарзандларимнинг\* ҳақиқат бўйича яшаётганларини эшитишдан каттароқ хурсандчилик йўқ.

<sup>5</sup> Азиз дўстим, сен биродарларимизга, ҳатто ўзинг танимаганларга ҳам, доим садоқат билан ёрдам бериб келяпсан. <sup>6</sup> Улар сенинг меҳрибонлигинг тўғрисида имонлилар жамоатига айтиб юришибди. Бу ишингни давом эттиравер, Худога муносиб тарзда сафардаги биродарларга ёрдам бер. <sup>7</sup> Ахир, улар Масих номи учун йўлга чиққанлар. Имонсизлардан\* ҳеч қандай ёрдам олмасликка қарор қилганлар. <sup>8</sup> Биз бундай одамларни қўллаб-қувватлашимиз керак, шунда ҳақиқатни эълон қилишда уларга ҳамкор бўламиз.

### Диотрефес ва Демитрус

<sup>9</sup> Мен имонлилар жамоатига\* бир мактуб ёзган эдим. Аммо уларнинг ораларида ўзини катта тутаётган Диотрефес гапларимизга эътибор бермаяпти.

<sup>10</sup> Агар борсам, унинг қилмишларини фош этаман. У биз ҳақимизда ёмон гаплар тарқатиб, туҳмат қилиб юрибди. Бу билан ҳам кифояланмай, биродарларни қабул қилмаяпти, қабул қилмоқчи бўлганларга тўсқинлик қилиб, уларни ҳатто жамоатдан қувиб чиқаряпти.

<sup>11</sup> Азиз биродарим, сен ёмонликка эмас, яхшиликка тақлид қил. Яхшилик

қилувчи одам Худодандир. Ёмонлик қилувчи эса Худони кўрмаган.

<sup>12</sup> Демитрус\* ҳақида эса ҳамма яхши гапирмоқда, унинг ҳаётида ва таълимотида акс этган ҳақиқатнинг ўзи ҳам у томондир. Биз ҳам у ҳақда яхши фикрдамиз, гапимиз тўғри эканлигини ўзинг биласан.

### **Хайрлашув**

<sup>13</sup> Сенга айтадиган гапим кўп, аммо уларни сиёҳ билан қоғозга ёзишни истамадим. <sup>14</sup> Ундан кўра, яқин орада ўзинг билан юзма-юз кўришиб гаплашаман деган умиддаман. <sup>15</sup> Тинч-омон бўлгин. Дўстларимиз сенга салом йўллаяптилар. У ердаги дўстларимга ҳам номма-ном салом айтиб қўй.

## ИЗОҲЛАР

**1:1** *оқсоқол* — яъни ҳаворий Юҳанно.

**1:4** *фарзандларим* — Юҳаннонинг ўз фарзандлари эмас. Юҳанно уларнинг руҳий йўлбошчиси бўлиб, азиз имонлиларга шундай мурожаат қилган.

**1:7** *Имонсизлар* — улардан Хушхабарни эшитадиган одамлар.

**1:9** *имонлилар жамоати* — Гаюс ва Диотрефес аъзо бўлган жамоат назарда тутилган бўлиши мумкин.

**1:12** *Демитрус* — Хушхабарни ёйиш мақсадида сафарга чиққан, ушбу мактубни Гаюсга олиб бораётган одам бўлиши мумкин.